

2007 й. 4-сон

Жабрланувчининг апелляция тартибда берган шикояти ЖПК 4974-моддаси талабларига зид равишда кассация тартибида расмийлаштирилганлиги сабабли вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди кассация инстанциясининг 2006 йил 16 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2006 йил 17 апрелдаги ҳукмига асосан, Қ. Жиноят кодексининг 118-моддаси 4-қисми, 119-моддаси 4-қисми, 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Қ. ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсининг номусига тегиш, жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш, ўғрилиқ жиноятларини содир этганликда айбли деб топилган.

ЖПК 4974-моддаси талабига кўра, биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкинлиги белгиланган.

Биринчи босқич суди томонидан жабрланувчи И.нинг апелляция тартибида берган шикоятини ҳал этишда қонуннинг ушбу талабларига риоя қилинмаган.

Жиноят иши бўйича ҳукм 2006 йил 17 апрель куни эълон қилинган, ҳукмнинг нусхаси жабрланувчи И.га 2006 йил 22 майда топширилган.

Шундан сўнг И. томонидан 2006 йил 31 май куни қонунда белгиланган 10 кун муддат ичида апелляция шикояти берилган.

Биринчи инстанция суди И. томонидан апелляция шикояти ҳукмнинг нусхаси унга топширилган кундан эътиборан қонунда белгиланган муддатда топширилган бўлишига қарамай, ишни апелляция тартибида расмийлаштириш ўрнига кассация тартибида расмийлаштириб, вилоят судига юборган.

Кассация инстанцияси суди юқорида қайд этилган қонун талаби бузилганлигига эътибор бермай, ишни жабрланувчининг апелляция тартибида берган шикоятини шу инстанция судида кўриш ҳуқуқидан маҳрум этиб кассация тартибида кўрган. Шунингдек, ишни кўришда ЖПК 22-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги **«Жиноят ишларини кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»**ги қарори талабларига ҳам риоя қилинмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 23 августдаги ажрими билан Қ.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди кассация инстанциясининг 2006 йил 16 июндаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши апелляция тартибида кўриш учун жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судига юборилди.

ЖСХ-178-07 сонли ажрим